


Байрамга байрамона тухфа: Шеробод тумани "Дўстлик" маҳалласида жойлашган кўп қаватли турар жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.



Шеробод тумани Дўстлик маҳалласида жойлашган кўп қаватли турар жой мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Очилиш маросимида туман ҳокими У.Алимов ҳамда аҳоли вакиллари шунингдек нуронийлар ташриф буюришди. Очилиш маросимида туман ҳокими сўзга чиқиб хонадон эгаларини янги йилда янги хонадонлар билан табриклаб келажакда туман кўркига-кўрк қўшаётган шу каби намунали кўп қаватли уйларнинг қурилиши аҳоли учун жуда қулайлигини айтиб ўтди.

Дўстлик маҳалласида қурилган ушбу кўп қаватли уйлар 70 та хонадондан иборат бўлиб нақд, кредит ва субсидия асосида топширилди.